

# ТОШКЕНТ

# ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 50 (10.355)

2005 ЙИЛ 15 МАРТ

## Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда

Ушбу нақлга амал қилган ҳамшаҳарларимиз баҳор юмушларини аллақачон бошлаб юборишган. Маҳаллаларда бошланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари кўп қаватли уйлارда ҳам қизитиб юборилди.



## КўКЛАМ — МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

Ҳамза туманидаги «Меҳри турон» уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари ҳам яшовчилар билан ҳамжиҳатликда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида кўклам юмушларини қизгин олиб боришмоқда. 11 та кўп қаватли турар-жой биноларини ўз тасаруфига олган ширкатда айни кунларда худуддаги барча дараклар оқланди, уларга шакл берилди, қишда тўғлиб қолган ахлат ва чиқиндилар олиб чиқиб ташланди. Уйлarning олдидagi болалар майдончалари ҳам тартибга келтирилмоқда.

— Баҳарлаётган ҳар бир ишда мулкдорлар, яъни хонадон эгалари мададига таянамиз, — дейди уй-жой мулкдорлари раиси Абдулазиз Туронхўжаев. — Шу боис ҳам дам олиш кунларида уларнинг иштирокида ҳашарлар уюштирилмоқда. Тўғри, уйларимизнинг барчаси

эски турар жой бинолари. Уларнинг ҳолатини яхшилаш, йўлакларни тартибга келтириш, уйлар ён-атрофларини орасалаш бугунги кунда долзарб юмушларимиз қаторига киради. Шунингдек, худудимизга манзарали дараклар ҳамда ранг-баранг гул кўчаларини ҳам ўтказаямиз. Ахир беҳижга «Гул — ернинг кўрки» дейишмайдику. Баҳорни, гўзал умрбоқий Наврўзимизни орасалик ва шодоналик билан нишонлаш учун бугунги кунда барча имкониятларимизни ишга солаёلمиз. «Харакатда баракат», дейди донолар. Ширкат ходимлари ва яшовчиларнинг бугунги ҳаракати яхши яшашлари, ўз уйлари-ни авайлаб-асрашлари ҳамда шунинг баробарида шахримиз жамолининг янада чирой очилишида муҳим ҳисса бўлиши, шубҳасиз.

Дилноза СОДИКОВА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СЛОВЕНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Словения Республикаси Президенти Янез Дрновшекнинг тақлифига биноан 2005 йил 15-17 март кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Словения муносабатларини ривожлантириш ва ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро ҳаётга оид муаммоларни муҳокама этадилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

14 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов бошқарди.

Кенгаш аъзолари сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарининг таркиби тўғрисидаги тақлифларини тингладилар ва ушбу масалани парламент куйи палатаси депутатларининг муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Муваққат регламенти лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Мазкур масалани Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Сўзга чиққан Қонунчилик палатаси кўмиталари раислари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг, шунингдек, ўтказилиши белгиланган тадбирларининг 2005 йилга мўлжалланган режалари тўғрисида маълумот бердилар. Йиғилиш қатнашчилари ушбу масалани парламент куйи палатасининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилишни тақлиф этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақидаги ахборот ҳам тингланди ва маълумот учун қабул қилинди.

Кенгаш ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ МАТБУОТ УЧУН АХБОРОТИ

Тошкент шахри

2005 йил 12 март

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси IV мўддага мувофиқ Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашув доирасида муҳокама ўтказиш учун 2005 йил 24 февралдан 12 мартга қадар Ўзбекистон Республикасида бўлди. Миссияга Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси жаноб Жон Вейкман-Линн раҳбарлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХВЖ миссияси 2004 йилдаги иқтисодий ривожланиш масалалари ва 2005 йил ҳамда ўрта муддатли истиқболга прогнозларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати-нинг иқтисодий ислохотлар дастури-ни муҳокама қилди.

Миссия қайд этадики, умуман 2004 йилги иқтисодий кўрсаткичлар жуда яхши бўлган, яъни ички маҳсулотнинг 7,5 фоиз, олтин-валюта захираси 30 фоиз, экспорт 30 фоиз ортгани ҳисобига савдо балансиди 1 миллиард АҚШ доллари миқдорда ижобий сальдога эришилгани бундан далолат беради. Бу натижаларга ҳукумат ХВЖ Битимлари моддаларининг VIII моддасини имзолагандан сўнг сўмининг конвертация қилиниши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат корхоналарини ху-

сусийлаштириш жадаллаштирилгани туфайли эришилди.

Миссия Президент Ислоҳ Каримов томонидан 2005 йил январда илгари сурилган иқтисодий ислохот қилиш бўйича кенг қўламли дастурни юқори баҳолайди. Мазкур дастур иқтисодий-ни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кўзда тутди. Ушбу дастурнинг асосий устуворликлари хусусийлаштириш кўламини кенгайтиришдан, хусусий бизнес ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоялаш тизимини яратиш орқали унинг фаоллигини сезиларли даражада оширишдан, банк-молия тизими, уй-жой ва коммунал хўжаликни ислох қилишни давом эттиришдан, шунингдек, солиқ қонунчилиги ва солиқ бошқарувини такомиллаштиришдан иборатдир.

Миссия таъкидлайдики, бу чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали, шунингдек, тузилмавий ислохотларни давом эттириш, жумладан ширкатларни кескин тугатиш ва уларнинг негизида хусусий фермер хўжаликларини ташкил этиш, жамғариладиган пенсия тизимини амалга киритиш билан бирга Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг ўрта муддатли прогнозларини анча яхшилаш имконини беради.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг яқинда қабул қилинган тижорат банклари ўз корреспондент ҳисоб рақамларидан чеклов-сиз фойдаланишини, жумладан нақд пул олишни таъминлаш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Бу нақд пул таъминлигига тўлиқ бэрхам беради.

Миссия ислохотлар жараёнини янада чуқурлаштириш юзасидан қатор тавсиялар берди. Жумладан, миссия ҳали мулкдаги давлат улуши мавжуд бўлган банкларни хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоғини, ички ва ташқи савдонинг янада эркинлаштиришни тавсия этди. Бу тавсиялар иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳукумат томонидан жиддий ўрганиб чиқилади.

Миссия самимий ҳамкорлик, самарали ва очиқ мулоқот учун ҳукумат органларига миннатдорлик билдирди.

## XXI саҳоси

Барча мамлакатлардан олжиган сўзгаги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 сентябрдаги фармойишига мувофиқ мамлакатимизда илк бор ўтказилган ошпазлар, қандолатчилар ва официантларнинг республика танлови ниҳояланди. Танлов Тошкентдаги «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш мажмуасида бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик кўришга бағишлаб ўтказилган мажлисда шўрланган тупроқда мўл ҳосил етиштириш хусусида сўз борди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгаши Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Қаршида Сихат-саломатлик йили ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган дуатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақаларини ўтказди.

● Республика Киночилар уйида «Ватан» хусусий киностудиясида суратга олинган «Ягона ва бетакрор» номли янги кино асарининг тақдими бўлиб ўтди.

● Навоийдаги «Тизол-Н» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси базальт тошидан толали ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқда. Йил бошидан буён ушбу корхона томонидан 30 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

● Тошкент денгизда байдарка ва каноада эшак эшиш бўйича Ўзбекистон қишки чемпионати якунланди. Мусобақаларда россиялик спортчилар ҳам иштирок этди.

### Жаҳонда

● Буюк Британия парламенти терроризмга қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилди.

● АҚШ давлат департаменти инсон ҳуқуқларига риоя этилиши тўғрисидаги ўзининг йиллик докладини чоп этди. Ушбу ҳужжатдан жаҳондаги 196 мамлакатда бу борадаги аҳвол тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

● Германиянинг Ганновер шаҳрида СеВIT яъни юқори технологиялар ютуғига бағишланган жаҳондаги энг йирик кўргазма бошланди.

● Техронда бўлиб ўтган халқаро анимация фильмлари кинофестивалида «Ўзбекино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан яратилган «Кулол» фильми олтин совринга сазовор бўлди.

● Парижда жуда гаройиб юқори мода намоиши бўлиб ўтди. Унда ўтган асрнинг биринчи ярмидаги фильмлар қаҳрамонлари Марлен Дитрих, Грета Гарболар кийган либослар намоиши қилинди.

**ПРИТАХТИНИНГ**  
**Бир кунни**

Янгиликлар, воқеалар

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида Назира Аҳмедова номидаги II Республика хонандалари танлови бошланди. Ушбу тадбир 18 март куни ниҳоясига етади.

● **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқор «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ҳамкорликларида ташкил этилган Ҳаваскорлик театр жамоаларининг республика фестивали бошланди. Ушбу тадбир 17 мартгача давом этади.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чораларига бағишланди.

● **БУГУН** «Оқибат» маҳалласида Сергели тумани фаол аёллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган тадбир «Аёл ва ҳуқуқ» деб номланди.

● **БУГУН** 22-Мехрибонлик уйида Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликларида тарбияланувчилар ўртасида ташкил этилган спорт мусобақалари бошланди. Ушбу тадбир 25 мартгача давом этади.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирилган «Япониянинг давлат қурилиши» мавзусидаги семинарда талабалар, ўқитувчилар иштирок эттишди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 162-мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Мехрибоним—онажонинам» деб номланди.

● **УМИД** болалар спорт мажмуасида шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида аёллар ўртасида шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол бўйича спорт мусобақалари ва эстафета ўйинлари ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

*Иқтисодийёт*

**ТОШКЕНТ ТРАКТОРЛАРИ**

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини қудратли техникалар билан таъминлашда «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти салмоқли ўринга эга. Бундан 25 йил олдин заводнинг бош йиғиш конвейерида пахтачиликка мослашган илк тракторлар ишлаб чиқарилган эдики, корхонанинг бу илк намуналари ҳозирги замонавий техникалар яратилишига пойдевор бўлганлиги, шубҳасиз.

Айни пайтда ушбу ҳиссадорлик жамиятида «Технопласт» ва «ТТЗ Металл» Ўзбекистон-Германия қўшма корхоналари ҳамда «Кастинг» ва «Аланга» шўба корхоналари фаолият юритмоқда. Шунингдек, заводнинг қуйиш, пайвандлаш ва қолполаш, механик-йигирув, тиркама ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш каби 15 га яқин цехларида майда деталлардан тортиб 30 от кучига эга бўлган қудратли техникалар яратилмоқда.

Акциядорлик жамиятининг ўтган йиллик ишлаб чиқариш кўрсаткичига эътибор берадиган бўлса, корхонанинг соф даромади 52 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткичнинг буюртмалар натижасида ошиши тайин. Шунингдек, завод бу йил 45 миллиард сўмлик, яъни 3700 дона трактор ва 2000 га яқин тиркама ва 170 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни режалаштирган. Буюртмаларга кўра бу йил 4 гилдиракли олдинга тортувчи қисми тракторларга талаб юқори бўлиб, уларни Россия, Нигерия давлатларига ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган. Ушбу тракторнинг олди ва орқа гилдираклари бир илк куч ва тезликда айланш қувватига эга бўлиб, ёқилги ҳажми бир неча баро-

барга тежаллади.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида корхонада тайёрланаётган ҳар бир трактор учун бутловчи қисмларнинг кўпчилигини ҳамкор корхоналар шартнома асосида етказиб беришмоқда. «Тошқилоқмаш», «Чирчиқшилоқмаш» очик акциядорлик жамиятлари, «Агрегат» заводи, «Lok-Kolor sintez» Ўзбекистон-Россия-Исроил қўшма корхонаси ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари жамиятининг асосий ҳамкор корхоналаридан ҳисобланади.

Шунингдек, «Технопласт» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган резина пластмассалар ҳамда 30 турдаги халқ истеъмоли моллари ва «ТТЗ Металл» корхонасида тайёрланаётган тиркамалари таъкидлаб ўтиш мумкин.

— Ўтган йилда 3 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот Украина, Туркия, Афғонистон давлатларига экспорт қилинди, — дейди заводнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва халқор маркетинг гуруҳи бошлиғи Фуркат Бозоров. — Бу йил 4 миллион АҚШ доллари миқдоридида шартномалар имзоланган. Айни пайтда ТТЗ 80.10, ТТЗ. 80.11, ТТЗ 82R русумли трак-



торларга талаб юқори.

Бундан ташқари заводда тайёрланаётган ПН-2-30 2 корпусли плуглар, МО-5-0,18 минерал ўғитлар сочувчи қурилмалар, мотигалар, БЗТХ русумли техник воситалар тракторларга ўрнатилганда унинг техник жараёни янада кенгайди. Шу билан бирга заводда техник шовқинни камайтирувчи кабиналарни доимий ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Кастинг» шўба корхонасида эса «Гисаблок-35» линиясини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳам режалаштирилган ва бу иш ярим йил ичида амалда ўз исботини топади. Бир сўз билан айтганда, трактор-созлар нафақат юртимиздаги, балки хорижий давлатлардаги деҳқон ва фермерларнинг энг ақин маддадорига айланшига интилишмоқда.

**Орзуғул РУСТАМОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** заводнинг ТТЗ.80.10 русумли замонавий тракторлари; чилангар-йигувчилар Музаффар Камолов ва Мурод Мўминовлар иш устида.

Наталья Семёнова олган суратлар

Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш устуворликларига ургу берар эканлар, бу борада бошқа муҳим тамойиллар ва вазифалар каторида, шунингдек, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг роли ва таъсирини тубдан кучайтириш, улар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониши учун изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етуқликка интилиши зарурлигини таъкидлаб ўтгандилар.

*Партия ташкилотларида*

**ИЗЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ**

Хўш, сиёсий партиялар мамлакатимиз раҳбари томонидан қайд этилган вазифалар амалда ифодасини топиши учун қандай ҳаракат қилмоғи даркор? Ушбу масала «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг марказий кенгаш билан биргаликда ўтказган йиғилишида кенг муҳокама қилинди.

Бу йил «Миллий тикланиш» партияси ташкил топганига ўн йил тўлади. Ўтган вақт ичида бу сиёсий партия маълум даражада шўх таърибасини орттирган, унинг гоёлари татбиқ этилиши, фаолияти фаллашши, сафлари муносиб аъзолар билан кенгайиб боришига асос бўла оладиган аъналари шаклланган дейиш мумкин.

— Дарҳақиқат, бизнинг бош вазифамиз айнан шунда, яъни ўзимизга ҳамфирқ, ҳамнафас бўлган сафдошларимиз, хайрихоҳларимиз доирасини кенгайтиришдир, чунки улар ҳам бизни қўллаб-қувватлайди, ҳам эртанги кунимизни белгиловчи янги гоёлар, янги режаларни киритишди, — дейди партия марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмухамедов. — Биз издошларимизни, бўлажак етакчи ва фаолларимизни излашда, қолверса фаолиятимизда ижодий ёндошув таъсирчанлигини кучайтириш учун кўпроқ одамлар, айниқса ёшлар орасида бўлиши мумкин. Бу масалага мамлакатимиз Президентини икки палатали парламентнинг қўшма мажлисида ҳам катта эътибор қаратдилар. Чунки, Ислам Каримов сиёсий партияларнинг одамларнинг сиёсий ва фуқаролик фаолиги шаклланишидаги аҳамияти ҳақида гапирар эканлар, шу билан бирга партиялар фақат жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи астаҳамланиши билан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланиши мумкин дея, таъкидлаб ўтдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда биз нафақат ўзимизни танитиб боришимиз, балки амалда намоён эта олишимиз лозим. Шундай қилишимиз кераки, одамлар «Миллий тикланиш»нинг демократик гоёлари аҳамиятини ўз хаётида сеза билсинлар.

Сир эмас, «Миллий тикланиш» демократик партияси, бошқа сиёсий партиялар каби, сайлов кампанияси мобайнида ўзини кенг ва фаол тарғиб этди. Буни сайлов натижаларидан ҳам кузатиш мумкин. Бугунги кунда Олий Мажлиснинг қуйи палатасида 11 нафар «Миллий тикланиш» партиясининг вакил-

ларидан иборат фракция шаклланган, шу партияга мансуб депутат коммуникация масалалари бўйича қўмитага раҳбарлик қилмоқда. Бундан ташқари, вилоят, туманлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий Кенгашилар депутатлик корпусида МТДПнинг вакиллари ҳам бор.

Миллий ва умумбаشارий кадрларни мисолида фидойий, мамлакат равнақи учун хизмат қиладиган инсонларни тарбиялашдек гоёларни илгари сураётган «Миллий тикланиш» партияси эришган натижалари билан қифояланиб қолмаслик ниётида, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўз сафларига ёшларни жалб этиш бўйича аниқ максалди ишларни олиб бормоқда. Ўтган икки ой ичида партия сафлари олий ўқув юртиларида тахсил олаётган юзга яқин талаба-ёшлар билан кенгайди. Ҳар бирига тантанали равишда аъзолик ҳужжати топширилиши эса, албатта, уларга янада кўтаринки руҳ бахшида этди.

— Мен «Миллий тикланиш» партиясининг шунчаки аъзоси бўлибгина қолмасдан, балки унинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этувчиси айланиши сайловлар пайтида қарор қилгандим, — дейди Тошкент педиатрия-тиббиёт институтининг учинчи босқич талабаси Руслан Мансуров. — Мен ўз тенгдошларимнинг онгига маъсуляти ҳиссини, мамлакатимиз буюк келажагига ишонч ҳосил қилиш, ҳар бирига «Ватанимнинг келажаги менинг ҳам қўлимда» деган фикрларни сингдиришга ҳаракат қиламан.

Тадбир давомида партиянинг сиёсий нуфузини янада ошириш, жумладан турли тизимлар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида турли тақдифлар билдирилди ва бу борада ёшларнинг фикр-мулоҳазаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш ўринлики, яқинда «Миллий тикланиш» партияси ва Халқор кураш ассоциацияси ўртасида халқимиз кадрларини кенг тарғиб этиш борасида битим имзолангани жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Маълум бўлишича, яқин кунларда «Маҳалла» жамғармаси билан ҳам ўзаро муносабатларга асос солинадди. Демакки, имкониятлар ишга солинса, натижалар ҳам сезиларли бўлиб бораверар экан. Бу дегани доимо изланишда, ҳаракатда бўлиш лозим. Бугунги куннинг асосий талаби ҳам шу мезонларга боғлиқдир.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

**ШИРКАТЛАР**  
**ФАОЛИЯТИНИ**  
**ЯХШИЛАШ**  
**ЙЎЛИДА**

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини яхшилаш, уларни замон талаблари асосида бошқарилишини таъминлаш масалаларига бағишланган республика анжумани бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан АҚШ Халқор тараққиёт агентлиги (USAID) «Марказий Осиёда маҳаллий бошқаруви ривожлантириш» лойиҳаси кўмагида ташкил этилди. Унда тегишли вазирликлар мутахассислари, шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, уй-жой коммунал соҳаси ҳодимлари иштирок этдилар.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохотларни тезлаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 10 февралда қабул қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳада йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда. Ҳужжатга кўра, эндиликда шаҳарлар - вилоят марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунингдек, аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга шаҳарларда уй-жой ширкатларини уюштираш ташкил этилади. Бундай уюшмалар ширкатларнинг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи, эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйишга кўмаклашадди.

ЎЗА

## Анжуманлар

«ГЛОБАЛ  
МУАММОЛАР —  
ЁШЛАР НИГОХИДА»

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтохур туман бўлими ташаббуси билан «Глобал муаммолар ёшлар нигоҳида» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбир дунё бўйича глобал муаммолар юзасидан ёшларнинг фикрини билдириш, тафаккурларини кенгайтириш, бугун жаҳон мамлакатларидаги можароларни кенг таҳлил қилиш, XXI аср вабоси ҳисобланмиш ОИТС ва гиёвандлик иллатларига бўлган муносабатларини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

Жаҳонда кузатилаётган глобал муаммоларни таҳлил қилиш ниятида семинар иштирокчилари 6 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс-мунозаралар ўтказишди. Гуруҳ аъзолари гиёвандлик, ичкиликбозлик, терроризм, экология, ОИТС, кашандалик мавзуларида маърузалар қилишди. Статистик маълумотларга асосланган ҳолда ОИТС касаллиги дунё бўйича кенг тарқалган худуд Африка китъаси эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, қизгин баҳс-мунозаралар тарзида кечган семинарда терроризмнинг тинчлигимизга ҳаффи доирасида фикрлар алмашилди. Гиёванд моддаларини асосан 14-35 ёшгача бўлган ёшлар истеъмол қилаётганликлари ачинарли ҳолдир. Мазкур мавзу бўйича семинар-тренингда ёшларнинг ранг-баранг фикрлари тингланган.

Тадбир сўнгида ҳайъат аъзолари томонидан энг кўп фикрлар билдирган ҳамда статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда савол-жавобларга қизгин иштирок этган гуруҳ аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Юлдуз РИЗАЕВА

## Сақнам

ТАНЛОВ  
ОЛДИДАН

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова номидagi II-Республика хонандлари танлови олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад, — деди жумладан танлов ташкилий қўмитаси раиси Ҳабибулла Раҳимов, — республикамизда академик хонандларнинг ижро санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда маданият ва санъат намояндalarининг ижодини кенг тарғиб этиш, асосийси эса, бетакрор овоз соҳиби Назира Аҳмедованинг ижодий меросини ўрганиш ва унинг хотирасини абадийлаштиришдан иборатдир.

Тадбирда танлов борасидаги режалар, ҳақамалар ҳайъати, иштирокчилар ҳақидаги маълумотлар журналистлар эътиборига ҳавола қилинди.

Кечада бастакорлар, қўшиқчилар ҳам иштирок этдилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Шуни айтиш керакки, уч босқичдан иборат бўлган танлов, 18 мартга давом этади. Иштирокчиларнинг навбатма-навбат чиқиш тартиби «куръа» ташлаш йўли орқали аниқланади. Танлов ғолиблари очик овоз бериш йўли билан аниқланади.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

Президентимизнинг мазкур маърузаси янги давр, тараққиётимизнинг янги босқичи учун дастуриламалдир. Унда мамлакатимизнинг истиқбол йилларида босиб ўтган йўли кенг таҳлил этилиб, жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Маърузада акс этган долзарб масалалардан бири мафкурадир. Назаримда, бугунги кунда ёт кучларнинг мафкуравий хуружи ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда. Бу хуруж бир қарашда кўзга ташланмайди, ҳужумга ҳам ўхшамайди.

Мисол учун кино санъатини олайлик. Илгари юртимизда Фарб фильмлари, умуман, хориж киноси кам кўрсатилар, унда ҳам минг бир чиғирқидан ўтказилиб, ёшлар онгини захарламайдими, деган саволларга жавоб қидирилиб, намойиш этиларди. Ҳозир бунақа цензура йўқ, кино маҳсулотларини ноқонуний йўллар билан сотиб олиб, намойиш этиш одатий ҳолга айланган. Айни пайтда хориж фильмларини ноқонуний тарқатиш ва намойиш этиш орқали пул ишлаш, моддий бойлик орттиришга ҳаракат кучли. Бош мақсад пул топиш бўлган жойда маънавиятга путур етишни тайин.

Қарабиски, экранларимизда беҳаёлик, зулм, зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар намойиши, бозорларимизда эса уларнинг кассетлари камаймаяпти. Шварцнегер, Вандам, Жеки Чан каби «зўравонлар» ёшлар ўртасида идеалга айланиб бормоқда.

Бундай фильмларни кўрган ўспирин: «Мен ҳам Шварцнегерга, Вандамга ўхшасам бўларкан. Мен ҳам ўзимни кўрсатишим керак», деб ўйлаши табиий. Кўчага чиққанда трамвайнинг ўриндиғини, телефон будкасини тепиб синдиради, эса биландир муштлашиб, кучини кўрсатади. Энг ёмони, онгига: «бу дунёни зўрлар, биланга — кучи, чўнтагида — пули, ортида суяنجиги борлар бошқаради», — деган фикр сингади. Онги захарланади, эзгулик йўлидан тояди. Айрим фильмлар эса шармандали сахналарга тўлиб-тошган. Иккисидан бирида сўкиш-ҳақоратга дуч келасиз. Ўзбеклар тилга олишга уяладиган сўзлар бундай фильмлар қахрамонлари тилидан тинимсиз янграйверади. Дижқат қилсангиз, бу тоифа фильмлар ёш йигит-қизлар онгига дунёда интим алоқадан бошқа лаззат йўқ, деган тасавурни уйғотади. Аслида, бундай фильмларнинг кўпчилиги улар тайёрланган ўша хориж давлатларининг ўзида ҳам намойиш этилиши тақиқланган. Улар экспортга мўлжалланган «санъат асарлари»-дир.

Давлатимиз фуқароларни четдан кибриб келадиган сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилишти, чегараларимиз жуда маҳкам. Лекин мафкураси бузук кино маҳсулотларининг йўлини тўсиш қийин кечаяпти.

Мен мафкуравий хуруждан сақланиш деганда халқимизни мана шунга ўхшаш сифатсиз, гоёвий бузуқ маҳсулотлар — фильмлар, китоблар ва газета-журналлардан ҳимоя қилишни тушунаман. Уларга ман қилиш билан эмас, аввало, тўғри тарғибот ва тушунириш йўли билан чек қўйиш мумкин. Президентимиз айтганидек, фикрга қарши фикр, гоёга қарши — гоё билан қураганимиздагина зарарли гоё ва мафкураларнинг таъсирига барҳам берамиз.

Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, ҳозир оламда онг учун катта кураш кетаяпти. Гоёлар жанги авж палласига чиққан.

Онгу тафаккур ишгол қилинган, мамлакатни, халқни мустамлакага айлантириш қийин иш эмас. Шу боис мамлакатимизда безовталиқ, беқарорлик ва нотинчлик туғдиришдан катта манфаат кўрадиган кучлар йўқ эмас.

Хориждаги бундай кучларнинг номи, қуроли ҳар хил. Бири бизга демократиядан сабоқ бермоқчи бўлса, иккинчиси гўё мамлакатимизда динни мустаҳкамламоқчи. Аммо асосий мақсади — ўз мафкурасини синдириш. Хориждаги айрим доиралар: «Ўзбекистонда инсон эрки бузилмоқда», деб «жон қуйдиради». «Ўзбеклар ҳам ин-

сон эрки, маданияти масаласида бизга етиб юрсин», дейди улар.

Шундай гапларни эшитганимда ёқамни ушламан: Биз кимга етиб юришимиз керак? Демократия халқроқ олимпиада эмаски, олти ой машқ қилиб, жаҳон рекордини ўрнатсак. Дунёда қанча мамлакат, халқ бўлса, шунча йўналиш ва кўринишдаги демократия бор.

Қайси мамлакатда фермер депутат? Қайси мамлакатда оддий деҳқон ёки чўпон Сенатда мажлис қилади? Мажлис қилганда ҳам парламентга шунчаки келиб-кетмавермайди, овоз беради, масала қўяди. Бу-

ларни тинглаш бугун урфдан қолаётгандек. Холбуки, улар мангу, унутилмаслиги лозим бўлган буюк асарлардир. Шуларни ўйласам, катта ташвишга тушаман.

Президентимиз маърузасида фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Назаримда, фарзанд тарбиясини боқадан, бошланғич мактабда китоб ўқитишдан, китобхонликни синдиришдан бошлаш керак. Афсуски, бу борадаги ишларимиз кўнгилдагидек эмас.

Китоб чоп этиш, айниқса, болалар адабиётини нашр этиш соҳасидаги ишларимиз билан мақтанолмайми. Машҳур болалар адаби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев бундан 20 йил аввал бизда ва Болтиқбойи мамлакатларида бир болага қанча китоб тўғри келишини ҳисоблаб чиққан эди. Ўша пайтларда ҳам жуда орқад эдик. Менимча, ҳозир ҳам ўтиб кетганимиз йўқ.

Болалар деярли китоб ўқимай қўйди. Нари борса, дарсликка кирган бирорта асардан парча ўқийди. Ундан нарига ўтмайди. Китобга қизиқшининг сустилиги лоқайдликни, ҳаётга нисбатан бепарволикни кўрсатади. Болаларимизда завқ-шаўқ қайнаб тошиши керак. Ҳаётга муҳаббат, билимга интилиш, синчковлик биринчи ўринда туриши лозим. Фикр доим шу йўналишда ривожлансагина, кўнгил доим мана шу йўналишда ўз майлларини қондириганидаги ишларимизнинг ҳаёти тароватли, ишлари самарали бўлади.

Юртимизда қурилаётган юзлаб янги мактаб, коллеж ва лицейлардан фахрланган ҳолда масаланинг мана шу томони ҳам эътибор берилишини истардим. Барча ҳавас қилса арзийдиган лицей-коллежларимиз бор. Аминманки, бу борадаги ишлар янада ривожланади, тараққий этади. Бироқ улар фақат яхши касб эгаллаш маскани эмас, яхши хулқ-одоб орттириш, миллий кадрлар тарбиясини янада чуқурроқ синдириш, ағлаш макони ҳам бўлиб қолиши лозим.

Бундай хайрли ишларни амалга ошириш, аввало, зиёлиларнинг иши. Афсуски, кўпчилик зиёлиларимиз лоқайдлик хасталигига чалинган. «Сен менига тегма, мен сенга тегмай» деган ақид билан яшаши хуш кўрадиган бўлиб қолган. Бу эски даврдан қолган ақид.

Шўро замонида зиёлилар ҳар қадамда туртки еявериб, юраги зада бўлиб қолган. Бугун ҳам баъзи зиёлилар юрагида ҳадик билан яшайди. Оқимдан бирор нотўғри гап чиқиб кетса, ёмон отлик бўлиб қолмасинканман, деб чўчилади. Ундан кўра, кел, тинчгина юрай, оқ қорним - тинч кулоғим, деган тушуна айримларнинг яшиқ тарзига айланган қолган. Ишига бориб-келади, бошқаси билан иши йўқ, Холбуки, ҳаёт зиёлилардан ёнишни, ариланган бўлиб халқ юрагини ёриштириш талаб қилияпти. Бунга улар: «Йўқ, менинг эмас, қўшимнинг юраги ёниш», — дейди. Хўш, бу иллатга қандай барҳам бериш мумкин? Мен бу саволга таълимга янги технологияларни жорий этишни кўчатириш, зиёли вайхонини уйғотиш йўли билан барҳам бериш мумкин, деган бўлардим.

Зиёли етуқ маълумотли, фикри очик, мушоҳада юртакдиган, халқ учун ёнадиган инсондир. Алишер Навоий сўзларини эсланг: **Одамий эрсанг, демагил одамий, Оники, йўқ халқ гаமிдин гами.** Зиёли ахли учун мана шу ҳикмат энг асосий қоида бўлмоғи зарур. Халқ дардида гам-ташвиш чекмаган кишининг зиёлилиги бекор. Яна ҳазрат Навоийнинг ибораси билан айтганда, осмонда чакмоқ бўлиб чиқилиб, ярқираб юргандан кўра, пастга тушиб бир мискин одамнинг ўчоғига бир тутам ўт бўлиб, қозонини қайнатишга ёрдам бериш афзалдир. Бу зиёлининг энг асосий вазифасидир.

Президентимиз белгилаб берган вазифаларни қалб амри билан, сидқидилдан адо этиш ўзини миллат раванқига, юрт тақдирига дахлдор хил этган ҳар бир инсоннинг, шу жумладан, зиёлиларнинг кундалик ишига айланмоғи зарур. Соҳибқирон бобоимз Амир Темури айтганидек, миллат дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашга, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишга чоғланган йўлбарварларни келгуси авлодлар ҳам ардоқлаши шубҳасиз. Зеро, мамлакат янгиланса — миллат яшаргай!

Норали ОЧИЛОВ  
ёзиб олди.  
(ЎЗА)

## ОЗОД ШАРАФИДИНОВ:

МАМЛАКАТ  
ЯНГИЛАНСА —  
МИЛЛАТ ЯШАРГАЙ!

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси жойларда чуқур ўқиб-ўрганилмоқда. Унда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётган.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод ШАРАФИДИНОВ ЎЗА мухбири билан мулоқотда бу борада қуйидагиларни гапириб берди:

нақа ўзгаришлар ҳамма жойда ҳам бўлаётгани йўқ.

Айрим нодавлат ташкилотлар бор, ўзларича ҳар хил тоифалар ўртасида сўровлар ўтказишади. Майли, ўтказсин, ўргансин. Лекин масалани тўғри қўйиб, унга ҳолис ният билан ёндашсин. Улардан бири ўтказган сўровида масалани мана бундай қўйибди: «Хотинингиз сиздан сўрамасдан кўчага чиқиб, кечаси соат ўнда келса, уришарминдигиз?» Нима деган гап бу? Бунинг демократияга нима алоқаси бор? Эр-хотин бўлгандан кейин қаёқда юрибсан, нима қилиб юрибсан, дейди. Менимча, бутун дунёда шунча. Оиланинг мустаҳкамлиги, эру хотинни бир-бирига боғлаб турувчи меҳр ришталари, садоқат, вафо шунда эмасми? Европанинг аҳолини қўриб турибмиш-ку, туғилиш борган сари камайиб, оила қуришга қараганда унинг бузилиши кўпроқ кузатиляпти.

Оиланинг емирилиши демократиями? Хотини ярим яланғоч кўчада лақиллаб юрса, буни кўрган эр индамаса, демократиянинг ривожлангани бўладими? Бундай сўровларнинг замирида демократия эмас, бузғунчилик ётибди. Эркинлик, демократия никоби остида халқимизга хос ҳурмат-иззатни поймол қилиш сингдирилмоқда. «Одамлар муносабатлари, ахлоқида, хулқида чегара бўлмасин. Эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида ҳурмат-эҳтиром, диёнат, виждон шарт эмас», қабилидаги қарашлар яширинган. Биз Фарбдан шуни ўрганишимиз керакми? Инсон эрки деганда мана шу ахлоқсизликни қабул қилишимиз керакми? Йўқ!

Шуқрки, мамлакатимизда инсон эрки етарлича таъминланган ва таъминланмоқда. Аёлларимиз эркаклар билан тенг асосда меҳнат қилияпти, юқори лавозимларга кўтариляпти. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин, маълумотлар етарли, исботга ҳожат йўқ. Айни пайтда Шарқдан борган одам овруполикларга, хотин-қизларингиз қўйлагининг этагини тўпиғигача тушириб юрсин, минн юбка кийиши — уят, дая ақл ўргатаётгани йўқ-ку!

Таникли маърифатпарвар Гаспиринскийнинг: «Биз Европандан жуда кўп нарсани — унинг техника-технологиясини, илгорлигини қабул қиламиз. Лекин ахлоқини қабул қилмаймиз», — деган гапи бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Инсон эрки никоби остида бизга тиқиштирилаётган ҳаёсизликни ўзимизга урф қилмаймиз. Бундай қарашларнинг ёйилишига қарши турмоғимиз керак.

Афсуски, ҳаётда барчанинг, жумладан, ёшларимизнинг ҳаммаси баробар эмас. Улар орасида ҳаёлилар жуда кўп. Шу билан бирга, Фарбга саҳда қилувчи — ярим яланғоч юришни одат қилаётганлари ҳам йўқ эмас. Мен бундай ҳолдан жуда қаттиқ қуюнаман.

Фарбда, масалан, мусика соҳасида буюк зотлар чиққан. Штраус, Бах, Бизе, Чайковский каби кўплаб композиторларнинг бири биридан гўзал мусикалари бор. Аммо

— Насибохон, сиз бошқараётган уюшманинг ташкил топганига кўп вақт бўлмади. Утган давр мобайнида нималарга эътибор қаратилди-ю асосий вазифа ва қўзланган макссадларга қандай эришилмоқда?

— Аввало, шуни мамнунят билан айтишим лозимки, аёли эъзозланадиган, қадри юксакларга кўтарилаётган юрда яшашнинг, меҳнат қилишнинг ўзи бир бахт, толедир. Ана шу эъзозга муносиб бўлиш, қадр топиш эса ўзимизнинг кўлимизда. Келажакимиз бўлган фарзандларимиз ота-онадан ибрат олишди, ўзларининг эртанги йўллари ашадий. Тўғри, эркак оила сарбони, аёл эса бекаси. Ана шу беканинг саранжом-сарихталиги, оқиллиги тадбиркорлик ҳам ўзгача бир чирой бахш этади. Ахир нимаси ёмон, аёл ўз турмуш ўртоғига ҳар томонлама кўмак берса, тадбиркорликка қўл уриб хонадонга барака киртса, фарзандлари келажакини яратса?! Бунинг учун юртимизда барча шароитлар яратилган.

Баъзида аёлда гоё бор, маблаг ҳам етарли, тадбиркорлик билан шуғулланиши истайдию ишнинг нимадан бошланиши билмай боши қотади. Айрим тадбиркор аёлларимиз ишини мақтагулик йўлга қўйиб олган, аммо ҳуқуқий билимлари саёзроқ. Молиявий кўмакка муҳтожлари ҳам топилади... Уюшмамиз ана шундай қалбиде истак, дилда эзгу-ният бўлган тадбиркор аёлларимизга ҳақиқий таянч бўлиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, нималарга қодирлигини кўрсатишига имкон яратиш мақсадида тузилди, десам асло муболага бўлмайди. Чунки тадбиркорлик осон иш эмас, унинг ўзига яраша машаққатлари, ечилиши лозим бўлган муаммолари бўлади. Шунинг учун зиммаимизда олган юмушнинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Ана шу масъулиятни ҳис этиб олдимиздаги макссадларни адо этишда биз, аввало ҳукуматимизнинг кичик ва хусусий бизнес ривожига қаратаётган эътиборига, яъни тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги қарорларга қаратамиз ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамағатимаси мададига таянамиз, ҳамкорликда ишлаймиз.

Утган давр мобайнида нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида фаолият бошлаган уюшмамиз асосан шахримиздаги маҳаллаларга кириб боришга, хотин-қизларнинг фаолигини ошириб, қўшимча ишчи ўринлари яратишга ҳисса қўлишга, бошловчи тадбиркорларни тўғри йўналтиришга эътибор қаратди.

— Уюшма шахримиздаги тадбиркор аёлларнинг ишончини қозонишда, уларнинг мададкорига айланишда нималарга эътибор қаратди ва қилинган саъй-

ҳаракат самараси қандай бўлмоқда?

— 2004 йилда шахримизда уюшма томонидан 5 та ўқув маркази ташкил этилди. Йил охиригача бундай ўқув марказларининг фаолиятини ҳар бир туманда йўлга қўйишни режаллаганимиз. Уларда туман маҳаллаларидаги хотин-қизлар ўқитиб, касб-хунарларга ўргатишди. Шунингдек, апрел ойида Миср давлатида ўтказилган 2 ҳафталик бизнес семинарда кичик ва хусусий тадбиркорлик йўналиши бўйича 10 та тадбиркор аёл қатнашди. Улар у ердаги ишбилармон аёлларнинг ишчи оиларида бўлиши, тажрибаларини ўрганиши. Сентабрда Будапешт шаҳрида Ўзбекистондан борган тадбиркорлар орасида шахримиздаги ишбилармон аёллар ҳам қатнашди. Жорий йилда биз ўшбу шаҳарда пойтахтимиз тадбиркор аёлларининг

ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўргазмасини ташкил қилишни режалаштирдик. Германиянинг Бонн шаҳрида эса жорий йилда малака ошириш курсларига бир гуруҳ тадбиркор хотин-қизларимизнинг малака оширишларини режалаштирганмиз. Ўз навбатида пойтахтимизга Германия ҳамда Италиядан тадбиркор аёллар ташрифи кўзда тутилган.

— Сиз ҳам тадбиркорсиз. Ушбу соҳада нимага таянасиз; билимгами ёки таваккал қиласизми?

— Биласизми, тадбиркорман дейиш осон, лекин тадбиркор бўлиш қийин. Айниқса, аёл киши учун унинг анчагина машаққатлари ҳам бор, албатта. Мен, аввало билимимга таяниб, сўнгра таваккал қиламан. Мен жасоратли аёллар тадбиркорликини танлайди, дея оламан. Шунинг учун ҳам уларга кўпроқ иштиёқлар берилса дейман. Бу борада Президентимизнинг Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Тадбиркорлар фаолиятига ноҳилис, тирноқ остидан қир қидириш кафеити билан қарашдан бутунлай воз кечиш, ақсинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла тўқинлаш фурсати етди. Мамлакатимиз келажакини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш кераки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар", деган гаплари ҳамма қатори тадбиркор аёлларимизни ҳам руҳлантирди. Чунки бу уларнинг дилидаги гаплар...

— Сиз билан баҳор ва гўзаллик байрами арафасида суҳбатлашармиз. Аёлларга тилакларингиз...

— Аёлларимиз қалби ҳамisha меҳру муҳаббатга лиммолим бўлсин. У хоҳ тадбиркор, хоҳ уй бекаси, ким бўлишидан қатъи назар аёллик бахтига муносиб бўлсин. Тадбиркорликда эса уларга сабр-қаноат, жасорат ва маҳорат тилайман.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

Анвар Алимбоев билан 2004 йилда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловида учрашган эдик. У ўшбу кўрик-танловнинг Ҳамза тумани босқичида «Энг яхши хунарманда» номига, шаҳар босқичида эса учинчи ўринга сазовор бўлди. Албатта, миллий хунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги сирларини кўнгил билан ўрганаётган ёш хунарманд бундай муваффақиятга ўз-ўзидан эришмади. Унинг болалиқдаги қизиқиши, қалбиде хунармандчиликка бўлган ўзгача бир иштиёқ ҳамда тинимсиз меҳнат ўз самарасини кўрсатди.

— Амаким Зиннатилла Алимбоевнинг ёғоч ўймакорлиги соҳасидаги ишларини кузатар эканман, — дейди Анвар завқ билан, — бехитёр шу хунарга ишқим тушди. Қизиқишимни амакимга айтганимда, улар мени «Мусавир» уюшмаси қошидаги тўғараққа стақлаб бордилар. Ушунда 12 ёшда эдим. Тўғараққа устозим — Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаевдан хунар сирларини кўнгил билан ўрганишга киришдим. Албатта, устозимнинг менга берган сабоқларидан, эътиборларидан миннатдорман. Чунки мана шу тўғарақда ёғоч ўймакорлиги санъатига меҳр қўйдим, ўзига хос услубларини ўргандим. Меҳру орзуларим шу жойда қанот ёзди, ҳақиқий мақсадга айланди.

Анвар устозидан олган билимларини назарий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида 1997 йилда Камолитдин Бехзод номли Республика рассом-



Хунари қўзғалар ОРЗУЛАР ҚАНОТ ЁЗДИ Шундай хунар эгалари борки, уларнинг меҳри ва маҳорати чамулжам бўлган маҳсулотларни кўриб қолмақда кўзингиз қувнайди, балки дилнингиз яйрайди, завқланасиз. Нозик дид билан тайёрланиб, миллий қадриятларимиз эъзозига айланаётган буюмлар нафақат ўзимизни, ҳаттоки хорижий сайёҳларни ҳам мафтун этаётганидан гурурланамиз, қўли гул усталар, нозиктаб хунармандлар авлоди эканлигини дилдан ҳис этамиз.

чилик билим юртига ўқишга кирди. Билим юртининг ёғоч ўймакорлиги бўлимида 4 йил олган тахсилни ҳамда «Абулқосим» мадрасасида ўз билимларини амалга татбиқ этиши ёш устанинг тажрибаси янада ортишида қўл келди. У кичик эсдалик буюмларидан тортиб, катта буюртмаларни тайёрлашда ҳам иштирок этди. «Қўли гул устаси» кўрик-танловида иштирок этиб, лауреатлиқни қўлга киритди.

Ёғочдан тайёрланган нақшинкор буюмлар, эшик ва ромларни кўрганамизда, улардаги

бетакорорлик қўли гул усталар маҳоратидан, изланишларидан дарак бериб, дилимизга ажиб завқ солади. Албатта, бу борада, ўз услуби ва йўналишига эга бўлган, ҳар бир нақш устуда, унинг қандай маъно англатиши ҳусусида тинмай изланаётган, шунинг баробарида ажолларимиз хунари сирларини авлодларга ҳам мерос қолдираётган ёғоч ўймакорлари меҳнати ҳам завқли, ҳам машаққатли. Бунни шу хунарга меҳр қўйган Анвар Алимбоев ҳам жуда яхши англайди, ҳар бир бу-

# ТАДБИРКОР

## ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

«Хорижқурилиш» масъулияти чекланган жамиятида ўтган йилда пенобетон (енгил бетон) ишлаб чиқариладиган ускуна тайёрланган эди. Ҳозирда тайёрланган усқуналарни Афғонистон ва Қозғистон давлатларига ҳам сотиш режаланмоқда.

— Бугунги кунда республикамизда 36 та бизнес-инкубаторлардан иборат тармоқ фаолият кўрсатаётган бўлиб, у 1996-2004 йиллар мобайнида Давлат мулк кўмитасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққий дастури билан ҳамкорликда олиб борган «Ўзбекистонда бизнес-инкубаторлар тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш» қўшма лойиҳасини амалга ошириш натижа-сида ташкил қилинган, — дейди жумладан кенгаш раиси. — Бизнес-инкубаторлар нодавлат нотижорат ташкилот шаклида ва масъулияти чекланган жамият сифатида алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлиб, тўлиқ ҳўжалик ҳисоби тамойили асосида иш олиб боради. 2000 йилда нодавлат нотижорат ташкилот — Бизнес-инкубаторлар ва технопарклар Ассоциацияси ташкил қилинди.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадида уларни 2 йилгача бўлган муддатда бизнес-инкубация жараёнига жалб қилиш, тадбиркорлик субъектларига ташкилий техник ёрдам кўрсатиш ва уларга консалтинг хизматлар мажмуасини тақдир этиш, тадбиркорларнинг иқтисодий саволхонлигини ошириш, кичик бизнес учун кадрларни қайта ўқитиш, касб-хунарга ўргатиш мақсадида қўшма муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш бизнес-инкубаторларнинг асосий вазифасига кирди. Албатта, меҳнат қилганингдан кейин, унинг самарасини ҳам фахрлилик гапириши мумкин. Бизнес-инкубаторлар тармоғи 1996 йилдан буён ўтган даврда 913 та

## КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕС РИВОЖИГА КЎМАКЛАШАДИ

кичик корхоналарни инкубацион даврдан ўтказди. Инкубацион босқичдан ўтган субъектларнинг 68 фоизи, яъни 624 таси бозор иқтисодиётида эркин фаолият кўрсата бошлади. Тадбиркорлар инкубацион давридаги фаолияти давомида 16,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Бугунги кунга тўхталадиган бўлсак, айна пайтда тармоқда 5032 та ишчи ўринга эга бўлган 552 та кичик корхоналар инкубацион босқичдан ўтмоқда. Утган саккиз йил давомида бизнес-инкубаторларнинг саъй-ҳаракатлари натижа-сида тадбиркорлик субъектларининг 751 та инвестицион лойиҳасига 4,7 миллиард сўм ва 4,4 миллион АҚШ долларлари миқдорда кредит ва грант маблағлари ажратилди. Бизнес-инкубаторлар тармоғида тадбиркорлик субъектларини улзуксиз равишда ахборот-маълумотлар билан таъминлаш мақсадида кичик бизнесга мўлжалланган 400 дан ортиқ технологиялар ва асбоб-ўскуналар тўғрисида маълумотларни ўз ичига олган 8 та инфор-мацион каталог китоб шаклида ва электрон вариантларда ишлаб чиқилди. — Бизнинг келгусидаги мақсадимиз, — дейди сўзини давом эттириб Валижон Омонлиқов, — тадбиркорларнинг замонавий алоқа тизимидан, Интернет тармоғидаги ахборот-маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини оширишдир. Бу борада эса янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Айна пайтда 2005-2006 йилларга мўлжалланган маъзур лойиҳа ишида БМТ Тараққийёт дастурининг иштирок этиши бўйича музокаралар олиб боришмоқда. Орзуғула РУСТАМОВА

юртмани бажаришда кунт ва чидам билан меҳнат қилади. Анвар тайёрлаган буюмлар ҳам устозларининг маҳсулотлари қаторида бир неча бор Франция, Германия, Япония давлатларида ўтказилган халқро кўргазмаларда муваффақият қозониб, хорижликларнинг ҳам эътиборини тортган. Келгусида эса ёш хунарманд ана шундай кўргазмаларда ўзи ҳам қатнашишни, юртимиз хунар соҳибларининг маҳоратларини санъат даражасидаги маҳсулотлари билан намойиш этишни ният қилган. Шу билан бирга у ҳам ёшларга хунар сирларини ўргатишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент Тўқимачилик ва енгил санъати институтида таҳсил олаётган Анвар Алимбоев «Абулқосим» мадрасасида ҳам меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга бу йилги «Ташаббус» кўрик-танловида тайёргарлик кўрмоқда. Халқимизда «Хунар — хунардан ризқинг унар» деган аjoyиб нақл бор. Анвар ҳам ҳамisha ўз хунаридан элга наф тегишини, одамларга яхшилик улашини истайди. Ана шу эзгу ният уни изланишга, ижод қилишга, сара маҳсулотлар яратишга ундаяпти.

Дилноза СОДИҚОВА СУРАТДА: Анвар Алимбоев устози Зиннатилла Алимбоев маслаҳатларига ҳамisha қўлоқ тутди.

Ҳақимжон Солиқов олган сурат.

## Янги линия ўрнатилди

Талаб ва тақлифдан келиб чиқиб маҳсулот тайёрлаш, харидор диди ва эҳтиёжини ҳисобга олиш корхона ривожиде, буюртмалар сонининг ортишида муҳим аҳамият касб этади.

«Office Market» тадбиркорларининг ҳам бу борадаги изланишлари юксак самара бериб уларнинг ўз маҳсулотлари билан ҳар бир хонадонга кириб боришдек эзгу-ниятли амалга ошмоқда. «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан ички бозорга етказиб берилаётган қўроғ ва қўроғ маҳсулотлари, бланкалар, кенг турдаги канцелярия моллари сифати ва рақобатбардорлиги билан импорт ўрини босди. Шунингдек, бу ерда замонавий босма-хона линиялари ҳамда малакали мутахассис-дизайнерлар маҳорати маҳсули бўлган таклифномалар ҳар қандай нозиктаб миқознинг эътиборига қозона олади.

Фаолиятининг ўтган йилларида корхона ўз замонавий ёғоч ҳамда фирма дўконига эга бўлди, катта ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиб, хориждан келтирилган бос-

ма усқуналар билан жиҳозланди. Ана шунинг баробарида ўнлаб қўшимча ишчи ўринлари яратишга муваффақ бўлишди. Ҳар йили янги ўқув йили олдидан ўтказила-диган мактаб ярмаркаларида эса ўқувчилар ва ота-оналарга энг си-фатли, қулай, зарур ўқув жиҳозла-ри, канцелярия товарлари ҳамда бошқа керакли ашёлар етказиб бе-рилади. Шаҳримиз туманларида ҳам корхонанинг фирма дўконла-ри, яъни савдо нуқталари фаоли-яти йўлга қўйилган.

Утган йил охирида тадбиркорлар Германиянинг «Хелдельберг» фирмасидан 4 бўёқли янги босма усқунасини 400 минг еврога олиб келиб ўрнатилди. Янги линия им-кониятларни янада кенгайтириб, сифатли маҳсулотлар тайёрлашда қўл келмоқда.

Ўз мухбиримиз

## МОЛИЯВИЙ ТАВАККАЛЧИЛИККА МОЙИЛМИСИЗ?

Одамлар икки тоифага бўлинишади, кимдир эҳтиёткор, яна кимдир таваккалчи. Эҳтиёткор кишиларда ютуққа озорқ имконият бор. Лекин таваккалчиларга эса кўпинча омад кулиб боқади. Шу боис ҳам тадбиркорнинг ютуқлари ҳаққоний таваккалга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзингизнинг қандай тоифага мансублигингизни эса қуйидаги саволларнинг натижаларига қарамай тўғри жавоб берсангиз тезда аниқлаб оласиз.

1. Агарда телевизордаги ўйинда глоб чиксангиз, қандай ютуқни олган бўлар эдингиз?
  - а) 5000 сўм пулни (1 балл);
  - б) 10 минг сўм ютишга умид қилиб, 40 фоизли ютуқни (3 балл);
  - в) 20 минг сўмни ютишга умид қилиб, 20 фоизли ютуқни (5 балл);
  - г) 100 минг сўм ютишни орзу қилиб, 2 фоизли ютуқни (9 балл).
2. Сиз 10 минг сўм ютқаздингиз. Уни тиклаш учун 50 фойздан умид қилиб қанча тиккан бўлардингиз?
  - а) ҳеч нарса (1 балл);
  - б) 1000 сўм (2 балл);
  - в) 5000 сўм (4 балл);
  - г) 10000 сўм (6 балл);
3. Сиз ХИФ акцияларини сотиб олгач, унинг курси тўсатдан 20 фойзга ошиб кетса, нима қиласиз?
  - а) акцияни сотаман (1 балл);
  - б) қўшимча сотиб олмасдан ёки сотиб юбормасдан ушлаб тураман (3 балл);
  - в) яна қўшимча акция сотиб олам (4 балл);
4. Қўлингиздаги акцияларнинг курси бир ойдан сўнг тушиб кетди. Бироқ ХИФ акцияларининг нуфузи сақланиб турибди. Нима қиласиз?
  - а) яна кўпроқ ютқазиб қўймаслик учун сотаман (1 балл);
  - б) шу акцияларни ушлаб тураман ва асли нархиға қайтишни кутаман (3 балл);
  - в) яна сотиб олам (4 балл).
5. Йил якунида икки хил муқофотдан бирини танлаш имкони берилса, қайси бирини танлаган бўлардингиз?
  - а) 100000 сўм (1 балл);
  - б) 50 фойзли ишончилиқ даражаси билан 15 фойзли дивиденд берувчи 100000 сўмлик акция (2 балл);



## БИЗНЕСНИНГ МАҚСАДЛАРИ

Ҳозирда бизнес ва бизнесмен деган тушунчалар жуда кўп қўлланилади. Бизнеснинг мақсади нимадан иборат?

Зиёда Ашурова, Гулнора Адхамова, Миробод тумани.

Бизнес — бу пулдан пул топишдир. Фойдани барқарор ҳолга келтириш ва уни тинимсиз ошириб бориш бизнеснинг асл мақсади ҳисобланади. Тадбиркорнинг ҳамма уй-фирклари, ҳаракатлари ҳамда сарф-ҳаражатлари айнан фойда олишга қаратилиб, бу фойда бизнеснинг кейинги ривожланиши ва иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлади.

Бизнеснинг мақсад ва вазифалари, қўзланган натижалар қанчалик аниқ бўлса, унинг хатари шунча кам бўлади. Зарар қўришга, йўқотиш, яъни иқтисодий инкирозга қаратилган бизнес бўлмайди. Лекин, бизнесда ҳам бошқа ишлар қатори ютуқлар ўз-ўзидан келмайди, бизнес қилмоқчи бўлсангиз, унинг замирида машаққатли меҳнат, уздабуронлик, моҳирлик, билимдонлик, янгиликка ўқлик, уни тезда илғай олиш ва ташаббус ётишини ҳамisha ёдингизда тутишингиз керак.

Демак, бизнес билан шуғулланишдан асосий мақсад фойда олиш экан, унга эришиш ниятидаги тадбиркор ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режага солади. Яъни харидорлар учун зарур ва керакли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, харид қилиш ва сотишга, рақобатда фаол қатнашишга ҳаракат қилади. Бунинг барчаси эса меҳнатга, изланишга ва ташаббускорликка боғлиқ.

## Шарқ дурдоналари



● Фарзандлар ота-онига итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризиғисиз ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебодаси деб билади. Наҳот эшигининг қалити ва саодат гулзорининг насими ота-она тўфайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан мурда шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳрумуҳаббат оинасини губорлаштиради. Бундай ёмон фарзанддан бегоналарни яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

● ХИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб ҳақимларнинг устози бўлган Собит ибн Куррадан куйидаги ҳикматларни нақл қиладилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати ҳам ейишда, тил роҳати оз гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмак зиёнга йўл қўймоқ ва маломатга қолмоқдир.

## Агар кўрсанги

йўлда чоҳдир,  
Агар хомуш ўтирсанг  
зўр гуноҳдир!

Байт:  
Агарчи жим ўтирмак  
хирадманд

наздиқа хушдир,  
Валекин маслаҳат  
пайтида хуш

бўлғай фикр айтмоқ.  
Билиб қўй, икки

пайтида жим ўтирмак  
бафаҳмлиқдир.

Керак пайтида сўз  
айтмай, нокерак пайтида  
дам урмак!

Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни йўлга иш тўтувчилар учун нолойиқ ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувофикдир.

## Ақлу тадбир билан

йўллар қарадим,  
Сергап бўлса ҳар  
ким доим хор экан.

Айтмагйман лабу  
кўзини юм доим,  
Аммо ҳар бирининг  
жойи бор экан.

● ХИКОЯТ. Айтшларича, беҳуда сўзлашдан кўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсар, Хинд рожа, Чин фафур ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маънодаги сўзларни турли ибратда баён илгари тиздилар.

Рум қайсар шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқ надомат тортидим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим!» Назм:

Айтмаган сўздан  
надомат етмас,  
Сўз айтилган,  
ундан зарар юзланар!

Хинд рожа ақл дарёсидан дур ҳозирлаб, баён илгари терди-ю, деди: «Сўз ўқи баён камонидан ҳали отилмаган экан у менинг қўл остимдадир. Оғиз камонидан отилиб чиқса, унга энди эгалик қилмайман!» Байт:

Айтилмаган сўзини  
айта оларсан,  
Айтилгани қачон  
тута оларсан?!

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан учса ва ҳар қалима оғиз зиндонидан кўнса уни қайтариб оламан дейиш ҳам ҳаёлликдир!»

Тахририятимизда мунтазам ҳафталик газеталарнинг таҳлили бўлиб ўтарди. Бутун жамоа тўғлиб, етти кун давомида газета саҳифаларида ёритилган яхши-ёмон мақолаларни бирма-бир муҳокама қилардик. Нима ишлар қилиниши керак эди-ю нималар эътибордан четда қолиб кетди, деган саволга жавоб излардик. Келгуси ҳафталик иомушларнинг режасини тўзиб олардик. Шундай тўғлишларимиздан бирида газетада танқидий чиқишлар қамаиб қолганлиги ҳақида гап борди. Йиғилишни бошқараётган бош муҳаррир ўринбосари Максим Каримов (охирати обод бўлсин) танқидий мақолалар битта ангирун қўйлаб топшимиз керак, деган таклифни ўртага ташлади. Ҳамма ўзича ҳар хил руқиларни тилга олди. Лекин уларнинг ҳеч бири кўпчилиққа маъқул тушмади. Шунда кимдир:

— «Саксон ота шаҳар кезади», деган тайёр руқимиз бор. Шунинг давом этираверсак қандай бўларкин, — деб қолди.

— Тўғрида, — дедик яна биримиз, — бу руқини йўлга қўйганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Демак, Саксон ота ҳали қаримаган. У ҳеч бўлмаса ўн йил ишлаб берсин. Кейин тўқсон ёшга тўғанида уни кексалик таътилга чиқарайлик.

Хонада энгил кулгу кўтарилди. Хуллас танқидий мақолалар учун мавзу излаб яна Саксон отани шаҳар кездирадиган бўлди.

— Ҳозирча иккита тайёр мавзу бор, — деди Максим ака. — Бизга муштарийларимиз Тошкент темирйўл вокзалидagi тартибсизликлар, йўловчилар бир неча кунлаб чиптага наваб кўтиб ололмаётганликлари, шунингдек аҳолига кўмир сотиш омборхоналаридаги сансалорликлар ҳақида мактублар йўллашган. Шу масалалар бўйича зудлик билан чиқиш қилишимиз керак.

Ҳар иккала шикоят юзасидан журналист текшируви ўтказиб мақола тайёрлаш учун аниқ кишилар белгиланди. Албатта бундай масъулиятли вазифани бажариш ҳар биримиз учун осон эмасди. Сураб-суриштириш, тегишли идоралар билан маслаҳатлашиш, зарурият тўғрисида бўлган сарсон-саргардон бўлиб юрган оддий одамлар билан сўхбатлашиш лозим эди. Мавзуга керакли бўлган барча материалларни тўплашдан кейингина мақола ёзишга ўтириш керак. Хуллас анча уриниш, ўрганишлардан сўнг, «Билет муаммоси» ва «Кўмир олай десангиз» сарлаҳали мақолалар газета саҳифасидан ўрин олди. Ҳали улар «совиб улгурмай ҳар иккала мақола жавоб бериш учун тегишли идора ва ташкилотларга жўнатилди. Мутасаддилар нима жавоб беришни билмай оёғи куйган товукдек югургилаб қолишди.

Кўп ўтмай уларнинг мақола юзасидан берган жавоблари «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар» руқини остида газетада эълон қилинди. Ушбу мақолалар тахририятнинг ҳафталик йиғилишида яхши баҳоланди.

Эртасига хотиба хонамизга кириб Абдуваҳид Хатамов билан мени бош муҳаррир сураётганлигини айтиди. Нимага сураётган экан? Шу савол яшин тезлигида ҳаёлимиздан ўтди. Билардикки, Саъдулла ака ҳеч биримизни хузурга беҳуда тақлиф қилмасди. Ё бир муҳим масала юзасидан топширик берадими ёки қайси-бир қўлимизнинг учун гапнинг «зўрини» эшитардик. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да дея аста-секин хонага кириб бордик.

— Кечаги танқидий чиқишлар яхши бўлди. Шунинг давом этириш керак, — деди бош муҳаррир қўлидаги ўқиб ўтирган хатдан бош қўтариб. — Мана бу мактубда Тошкент Трактор ишлаб чиқариш корхонаси ошхонасида туш-лук пайтида бўладиган ичкилик-бозилликлар, ошхона буфетига ҳуфя қўйиб сотилаётган ичкилик махсулотлари ҳақида ёзилибди. Текшириб мақола тайёрланглар. Ҳар иккала газетада русча-ўзбекча матнда босамиз.

Хатни олиб хонадан чиқдик. Уша кундан бошлаб оқ топшириқни бажаришга киришдик. Чиндан ҳам мактубда келтирилган фактлар аниқ исботини топди. Орадан икки кун ўтиб «Ишчилар ошхонасида нима гап?» деб номланган танқидий мақолани бош муҳаррирнинг қўлига топширдик. Мақола эртасига ҳар иккала газета юзасидан кўрди. Корхона раҳбарлари газетадаги мақола жамоанинг умумий йиғилишида муҳокама қилинганлиги, унда келтирилган танқидий фикрлар тўғрилиги, бунга йўл қўйган шахслар жазоланганлиги ва ниҳоят ошхонада тартиб ўрнатилганлиги ҳақида тахририятга маълум қилишди.

Бу мисоллар «Оқшом» газеталарининг бир-гина шаҳар хўжалиги бўлимининг ҳафталик иш юзасидан келтирилган ҳисобот. Агар бунга газетада мавжуд бўлган бошқа бўлимларнинг ишини қўшадиган бўлсак «Оқшом» кўтараётган ҳафталик юқнинг нақадар оғирлиги янада ойдинлашади.

Уша вақтда газета ва журналларда фаоли-

ят кўрсатган ҳамкасб дўстларимиз «Оқшом»да ишлаб бошқа наشرларга нисбатан оғирлигини тан олишади. Ҳамма наشرларнинг иш кунини беш кун. «Оқшом»да эса олти кун. Ҳатто вилоят газеталари ҳафтада беш марта чиқишига қарамай «Оқшом» олти марта чоп этилади. Бунинг устига бошқа газеталарга нисбатан бизда ҳам сонли журналистлар фаолият кўрсатишади. Бунақа оғир иш жараёнини ҳамма ҳам кўтаравермайди. Газетада ишлашни орзу қилиб не умидлар билан сафимизга қўйилиб, кейинчалик қийинчиликларга дош беролмай, аризмаган вақтда ишдан бўшаб кетганлар (уларни номма-ном санашни лозим топмадик) кўп бўлган.

Тўғри йўлдан бораётган инсон баъзан адашади, қоқилади. Қаминда ҳам шундай ҳолат рўй бериши мумкин. Уша кун, уша воқеани эсласам ҳали ҳам хижолат тортаман.

«Оқшом»га ишга қалганимнинг иккинчи

## Ҳиллар саҳоси

«ОҚШОМ»НИНГ  
ЎТГАН КУНЛАРИ

## ЕТТИНЧИ ХИКОЯ

йили қаламим анча чархлиб қолди шекилли менга «совчи» чиқиб қолди. Ўзбекистон телевидениесидаги устозларим (талабалик даврида уша ерда бироз мурдат ишлагандим) мени ишга тақлиф эттишди. Ўйлиниб қолдим. «Ойнаи жаҳон»нинг сеҳрими ёки кадрим ошаётганимдан гурурланганим, билмайман, ҳар қалай кўп ўтмай телестудияга ўтиб ишлашга розилик билдирдим. Лекин бош муҳарриримизнинг олдида ишдан бўлаш ҳақида ариза ёзиб киришга юрак бетламасди. Икки ўт ўртасида ёнаман. Ҳали студияга, ҳали тахририятга чопаман. Шу орада гап-сўз айлиниб қолди. Саъдулла ака мени йўлақда қўриб хўрайиб қўйдиларда: «Сиз нечта жойда ишляспиз ўзи», дея индамай хоналарига кириб кетдилар.

Бўлар иш бўлди дедиму шарт ариза ёзиб олдиларига кирдим.

— Ишдан бўшмоқчимисиз, яхши. Бу масалани ҳали кечкурун тахир қиймати аъзолари билан бамаслаҳат ҳал қиламиз, — дедилар аризага эътибор ҳам бермай.

Кунни араб ўтказдим. Кечкурун бош муҳаррир хонасида бўладиган йиғилишга кирсам жамоа жам. Аста бориб бўш студиядан жой олдим. Ҳамма жим. Хонада пашша учса эшитилмади.

— Бу киши биздан ишдан бўшмоқчилар. — Қани айтинлар, жавоб берамизми йўқми? — дедилар Саъдулла ака сукунатни бузиб. Худди олдиндан келишиб олингандек ҳамма бир овоздан «Йўқ» деб жавоб берди.

— Гап тамом. Мен қўпчилиққа қарши боролмайман. Сизга насихатим юқорлик қилиб, ариза кўтариб юрмай, қўнглини бир жойга қўйиб ўтириб ишланг. Қанча кўп меҳнат қилсангиз обрўйингиз шунча ортавереди. Дарахт бир жойда кўкаради, ука.

Мана шу биргина танбех умр бўйи менга етарли бўлди. Қанча жойларга ишга тақлиф қилишди. Биронтасига розилик бермадим. Ҳатто ўзим учун оғир кечган дамларда ҳам севишли газетамни тарқ эттолмадим. Чунки у менинг чинакам қадрдоним, тахририятимиз эса иккинчи уйим бўлиб қолганди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Алиназар Эгамназаров хикоя қилади.

Ушанда Гулистонда, «Сирдарё ҳақиқати» газетаси тахририятда ишлар эдим. Тошкентдан курсдошим Ўткир Хошимов кўнгирик қилиб:

— Тошкентга келганда менга бир учрашсангиз, сиз билан маслаҳатлашадиган гап бор, — деди.

Тошкентга келишим билан «Оқшом» тахририятга бориб Ўткир билан учрашдим.

— Чўлқувар журналист, чўл қувганингиз етар энди, — деди Ўткир қулиб. — Тошкентга келсангиз бирга ишласак, газетамази янги, яхши одамларни тўплаб ололмоқчимиз.

Бу тақлифга рози бўлдим. Фаолан ҳозир эмас, уч-тўрт ойдан сўнг қайтишимни айтдим. Уша кун курсдошим мени бош муҳаррир хузурига олиб кириб у билан таништирди. Саъдулла ака сўраб-суриштиргач мени ишга олишга розилик билдирди.

Кўп ўтмай «Оқшом»нинг саннат ва транспорт бўлимида мудири сифатида фаолиятим бошланди. Уша пайтда газе-

тада Ҳайдарали Иброҳимов, Турғун Авазов, Ўткир Хошимов, Саъдулла Норматов, Солиҳ Ёқубов, Абдулла Пўлатов, Абдусамат Обидхўжаев, Зухра Аъзамхўжаева, Раҳматилла Файзуллаев ва бошқа бир қатор журналистлар ишларди.

Бош муҳарриримиз журналист сифатида ката тажрибига эга эди. Яхши журналист қўчада «сочлиби» ётмаслигини яхши билар, мабодо жамоага яхши журналист келиб қолса уни маҳкам ушлашга ҳаракат қиларди. У ўрни келса ижодкорни мажбурлаш ҳам керак, ақс ҳолда биринчи тоифа журналистингиз ҳам сиратни лабига кистириб ўтиравериши мумкин, деган фикрни айтарди. Баъзан кундалик режалаштириш вақтида очерк, фельетон, муаммолар мақолалар ёзиш ҳақида бизга топширик бериб, эълон қилинадиган мурдатигача белгилаб қўярди. Шундан кейин бу топшириқни бажармай қўрингчи.

«Оқшом»да ишлаш чиндан ҳам осон эмасди. Масалан, уша даврдаги республиканинг энг катта газеталарида 60 киши ишларди. Худди шу ҳақида ҳафтада олти марта чиқадиган «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталарининг ягона жамоасида ҳам шунча одам ишлар, лекин улар икки тилдаги иккита газетани қўришарди. Бунинг устига «Оқшом» ахборот газетаси эди. Бўлимлардан ички бетларга материал беришдан ташқари, биринчи бетга «Бугун» сўзи билан иккита ахборот бериш талаб этиларди. Ҳар бир ходимнинг зиммасига ҳафтада икки марта навбатчилик қилиш вазифаси тушарди.

Мен шуниси билан фахрланаманки, «Оқшом»да меҳнат қилган йилларимда журналист, ижодкор сифатида ўсиб-ўлғайдим. Катта тажриба орттирдим.

«Оқшом»да штатлар қалмиғими, ёки ходимларнинг масъулиятини ошириш учунми, бўлимлар яқка тартибда ажратиб қўйилган. Уларни фақат бир киши бошқарарди. Штат бўйича у оддий ходим ҳисоблансада, бўлим мудири вазифасини бажарарди. Фақатгина катта, кенг тармоқли бўлимлардагина икки киши ишларди. Масалан адабиёт ва санъат бўлимида Ўткир Хошимов ва Насриддин Муҳаммадиев, саннат бўлимида Солиҳ Ёқубов ва Абдусамат Обидхўжаев, шаҳар хўжалиги бўлимида мен ва Кенжа Ҳамроев, «Вечерка»да эса Владимир Чечотин ва Светлана Замостянова, Михаил Савельев ва Вера Лапиналар биргаликда ишларди. Қолганлар эса яқка тартибда эди.

Биз Кенжа Ҳамроев билан қадрдон бўлсакда баъзан иш юзасидан талашлиб, тортишчи ҳам қолардик. Сабаби, бош муҳаррир ўринбосари Максим ака мендан Кенжа аканинг материалларини эътибор билан ўқишини талаб этарди. Шундай кезларда унинг мақолаларини ўқиб туриб баъзи жумаларни тўзатсам Кенжа ака:

— Менинг материалларимга Усмон Юсуповдек одам ҳам қалам теккизган эмас, сиз ҳам ўқиб овора бўлиб ўтирмай, топширик юборавering дерди.

Унинг галати бир одати бор эди. Эрталаб ишга ҳаммадан олдин келарди. Баъзан эса кундалик иомушларини тез-тез бажарардида дўпписини стол устида қолдириб бир зумда йўқ бўлиб қоларди. Бу ҳол баъзан бир кунлаб, икки кунлаб давом этарди. Кенжа акани сўраб-суриштириб хонага кириб келганлар унинг дўпписини стол устида қўриб Кенжа ака шу ердаю, ўзи бирор юмуш билан чиққан бўлса керакда, деган ҳаёлда бўлишарди. Биз ҳам-хоналари ҳам уни «сотиб» қўймаслик учун атайлаб Кенжа аканинг бу «сири» ҳақида ҳеч қимга оғиз очмасдик. Шундай кезларда у бирдан хонада кечки пайт пайдо бўлиб қолардида менга қараб:

— Туринг кетдик, — деб кистарди.

— Нима гап, — тинчликми? — десам у:

— Юринг, икковимиз холи ўтириб бир чакчақлашайлик, — дерди.

Бу гап кечгача ишда толиб-чарчаб ўтирган қайси кишига ёқмайди дейсиз. Мен ҳам дарҳол бош муҳарриримизнинг таъбири билан айтганда «дўқони ёпардим» Кенжа аканинг орақасидан чопардим.

«Оқшом» газеталарида ишлаган устозлар ва ҳамкасб дўстларим ҳақида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири ўзга бир олам, ўзига ҳос хислат ва фасилатларга эга инсонлар эди. Бугунги бахтиёр дамларда ҳам уларнинг ҳаёт бўлганлари билан учрашиб қолсак, ўша кунларни хотирилаб, узоқ сўхбатлаш қўлимиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

**Биласизми?**

**ТЕРАК ЭКИНГ**

Терак толдошларга мансуб дарахтлар туркумига киради. Маълумотларга кўра қарийб 30 тури маълум. Маданий турларидан октерак, коратерак, мирзатерак, шўртерак Ўзбекистон ҳудудларида ўстирилади.

Егочи бошқа дарахтларга нисбатан юмшоқ. Ундан қоғоз, гугурт саноатида фойдаланилади. Маҳаллий иморатлар учун ҳам ишлатилади. Терак кўчатини март ойининг охирида экиб улгуриш керак. Экаётганда илдиз учидан 2-3 сантиметр ток қайчи билан кесиб экилса, тезроқ кўкаради. Илдиз яхши ривож толуғунча тез-тез сув қуйиш лозим. Теракни экиб бўлгандан сўнг биринчи йили оқлаш тавсия этилмайди. Охак ёмғир таъсирида илдизга оқиб тушиб илдизини зарарлайди. Икки йиллик теракни оқлаш мумкин. Терак шохларини қишда яъни декабрь ойида буташ керак. Акс ҳолда баҳор ойларида кунлар исиганда буталса терак курти кесилган очик жойда ривож толиб теракни қуришига сабаб бўлади.

Теракдан 5-7 йилдан сўнг қурилиш материаллари сифатида фойдаланилса бўлади. Қирқилган теракни ишлатишдан аввал пўстлогини хўллигида танасидан шилиб ташлаш керак. Терак пўстлогидан тазаланмаётган вақтда ҳар иккала учидан 15-20 сантиметр пўстлогини қолдириш тавсия этилади. Шунда пўстлогидан тазаланган терак танасида ёриклар ҳосил бўлмайди.

Теракни пўстлоғи билан сақлаш уни яроқсиз ҳолатга келтиради. Теракни арралагандан кўра болта билан чопиб ағдарган маъкул, чунки тўнкаси атрофида янги ёш тераклар ҳосил бўлади. Теракни қаламчасидан кўпайтириш арзонга тушади.

**Асқар СУЛАЙМОНОВ,**  
олий тоифали биолог.

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР**

**ДУҚҚАМЎТА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турил нозорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:  
**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

**«ЭСКИ ЖЎВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ ХАБАРИ**

**«ЭСКИ ЖЎВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2004 ЙИЛГИ БАЛАНСИ**

Акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтганлиги тўғрисида. Умумий мажлис ўтказилган вақт: 2005 йил 2 март. Умумий мажлис ўтказилган манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

Умумий мажлисда қатнашганлар: 41142 овозга эга, 40 нафар акциядор.

**Қворум: 63,11 %**

1. «Эски жўва деҳқон бозори» ОАЖнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи, 2005 йил режалари 41142 овоз билан тасдиқланди.

2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича берилган аудиторлик хулосаси 41142 та овоз билан тасдиқланди.

3. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йил якуни бўйича ҳисоботи 41142 та овоз билан тасдиқланди.

4. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича берилган тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 41142 та овоз билан тасдиқланди.

5. Жамиятнинг 2004 йил йиллик ҳисоботи (баланси) 41142 та овоз билан тасдиқланди.

6. Жамиятнинг 2004 йил иккинчи ярим йиллик молиявий-хўжалик якуни бўйича даромади ва дивидендларнинг миқдори 41142 та овоз билан қуйидагича тақсимланди:

6.1. Жамият захира жамғармасига соф фойда миқдоридан — 977,29 сўм.

6.2. Ҳар бир дона акцияга 437 сўм 99 тишин миқдоридан дивиденд ҳисобланди.

7. Жамият бошқаруви раиси этиб Қобил Бердиалиевич Абдуллаев бир йил муддатга 41142 та овоз билан сайланди.

8. Жамиятнинг 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 41142 та овоз билан тасдиқланди.

9. Жамиятнинг 2005 йилга мўлжалланган бизнес режаси (иш режаси) 41142 та овоз билан тасдиқланди.

10. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти томонидан 2005 йил 11 январда йўлланган № 1/29 сонли хатга Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2005 йил 11 январда берилган 151/8501 сонли розилик билдиргисига асосан жамиятнинг қурилиши тугалланмаган «Кўкча Оқтепа» шохобчаси «Фарход деҳқон бозори» ОАЖга ўрнатилган тартибда ўтказилиши 40642 та овоз билан маъқулланди.

11. 2001 йил якуни бўйича тарқатилмаётган 4487812 сўм дивидендлар жамият ҳисобида қолдирилиши 41142 та овоз билан тасдиқланди.

12. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун «Назар аудит» аудиторлик фирмаси ва унинг иш ҳақи миқдори 300,0 миң сўм миқдорига 41136 та овоз билан тасдиқланди.

13. Жамият Кузатув кенгаши таркибига киритилаётган барча ўзгартиришлар қабул қилинди ва унинг қуйидаги янги таркиби бир йил муддатга 40642 та овоз билан сайланди:

Хусан Абдурахмонович Содиков, Рустам Асимович Ильхамов, Алишер Икматуллаевич Мухамедходжаев, Толмас Каримович Камолов, Хикмат Содиков, Яйра Сайдаминовна Акбарова, Ахмадхужа Саидхўжаев, Мухаммадмин Абулқосимов, Розик Кобилович Курбанов.

14. Жамият тафтиш комиссиясининг таркибига киритилаётган ўзгартиришлар қабул қилинди ва унинг қуйидаги янги таркиби бир йил муддатга 41142 та овоз билан сайланди: Машхура Заидовна Асқарова, Саида Ахунова, Камолiddин Турабаевич Икромов.

15. Жамият Низомига ўзгартиришлар 41142 та овоз билан киритилди ва тасдиқланди.

**Хабар тартиб рақами.**

«Эски жўва деҳқон бозори» ОАЖ акциядорларнинг 2004 йил 2 март куни ўтказилган умумий мажлиси қарорига биноан жамият директори этиб Қобил Бердиалиевич Абдуллаев 1 йил муддатга сайланди.

«Эски жўва деҳқон бозори» ОАЖ бошқаруви шуни маълум қиладики, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши қарорига мувофиқ жамиятнинг 2004 йил иккинчи ярим йиллик молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича дивидендлар номинал қийматига нисбатан 43,79 фоиз миқдоридан тўланади.

Акциядорлар 2005 йил 13 апрелдан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, 28-уй. Мурожаат учун телефон: 144-96-51.

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
<b>АКТИВ</b>			
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тикланг) қиймати (0100, 0300)	010	867011,3	1581852,7
Эскириш суммаси (0200)	011	81309,1	99215,4
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010-011)	012	785702,2	1482637,3
<b>Номоддий активлар:</b>			
Бошланғич қиймати (0400)020			748,2
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020-021)	022		748,2
Қимматли қоғозлар (0610)	040	18200	19550
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080	2000	
Ўрнатилган асбоб-ускуналар (0700)	090	4248,4	
Капитал қўйималари (0800)	100	1379371,7	933335,8
I бўлими бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120)	130	2189521,7	2436271,3
<b>II Жорий активлар:</b>			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр. 150+160+170+180), шу жумладан:	140	56954	39734,7
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	28365,5	16357,0
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	28588,5	23377,7
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	188617,2	293986,7
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		36985
Дебиторлар, жами (сатр. 220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	35055,6	1515520,4
Харидор ва буюртмачилар қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	16833,1	
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260		1460249
Бюджетта солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	267,7	
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280		552,2
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	186,1	345
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	17768,7	54374,2
Пул маблағлари, жами (сатр. 330+340+350+360), шу жумладан:	320	11006,3	64535
Ҳисоблаштиш сўтмакдаги пул маблағлари (5100)	340	4179,3	7879,5
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	6826,8	56655,5
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	2049	
II бўлими бўйича жами (сатр. 140+190+200+210+230+320+370+380)	390	293682,1	1971523,2
Баланс активи бўйича жами (сатр. 130+390)	400	2483203,8	4387033,1
<b>ПАССИВ</b>			
<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>			
Устав капитали (8300)	410	65189	65189
Резерв капиталли (8500)	430	423328,2	541160,8
Шу жумладан резерв фонди (сўм)			8842210
Тақсимланган фойда (қолланмаган зарар) (8700)	450	51992,7	18381,7
Мақсадли тушумлар (8800)	460	1585608,7	2367468,7
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470	9668	17652
I бўлими бўйича жами (сатр. 410+420+430+440+450+460+470)	480	2135786,6	3009852,2
<b>II Мажбурийатлар</b>			
Жорий мажбурийатлар, жами (сатр. 610+620+630+640+650+660+680+690+700+710+720+730+740+750+760)	600	347412,2	1377180,9
Шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр. 610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	241204,3	194086,5
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзи (6000)	610	170624	43895,3
Ақратилган бўлимларга қарз (6110)	620	6212,9	23781,6
Бюджетта тўловлар бўйича қарз (6400)	680	36712,6	73894,3
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690		697,8
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	45	
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	29919,1	68170,1
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	3893,6	7164,5
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	100.000	1159312,8
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950дан ташқари 6900)	760		264,5
II бўлими бўйича жами (сатр. 490+600)	770	347417,2	1377180,9
Баланс пассиви бўйича жами (сатр. 480+770)	780	2483203,8	4387033,1

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	010	659689,7	x	788032	x
Сотишдан маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннарихи	020	x	147686,7	x	189293
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг янги фойдаси (зарари) (сатр. 010-020)	030	512003		598739	
Давр харажатлари, жами (сатр. 050+060+070+080), шу жумладан:	040	x	197628,4	x	247515,9
Сотиш харажатлари	050	x	10487,3	x	9878,4
Маъмурий харажатлар	060	x	187141,1	x	237637,5
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100	314374,6		351223,1	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами (сатр. 120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	34991,1	x	51036,4	x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120	548,3	x	742,9	x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160	34450,8	x	50293,9	x
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 100+110-170)	220	349373,7		402259,5	
Даромад (фойда) солигини тўлашга қалар фойда (зарар) (сатр. 220+/-230)	240	349373,7		402259,5	
Даромад (фойда) солиғи	250	x	3361,7	x	2273,1
Фойдалан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260	x	294019,3	x	347306,6
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 240-250-260)	270	51992,7		52679,8	

**Спорт**

**ХАЯЖОНЛИ БЕЛЛАШУВЛАР**

Велоспорт энг қизиқарли ва хаяжонли спорт турлари каторига киради. Мардлар ва эчкиларга хос спортнинг ушбу турида галаба қозониш мушкул ҳамда фахрлидир.

Тошкент вилоятида бўлиб ўтган шоссё пойғалари бўйича Республика олимп чемпиони ҳам кескин ва муросасиз курашлар, хаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Эътиборли томони шундаки, чемпионатда ўзбекистонлик ва қозғистонлик спортчилар елкама-елка кураш олиб боришди.

60 километрлик энг қисқа масофа бўйлаб ўтказилган пойгада омад қозғистонлик спортчи Марат Мусайловга кулиб боқди. Бунда иккинчи ўрин ҳам меҳмонларга nasib этган бўлса, юртдошимиз Алексей Смирнов учинчи бўлди.

90 километрлик кейинги масофа пойғасида вазият аксинча кенди. Чунончи, ушбу масофада дастлабки икки ўринни ҳамюртларимиз Алексей Смирнов ҳамда Арсен Григорянлар эгаллаган бўлса, Қозғистон вакили бу гал учинчи ўрин nasib этди.

104 километрлик сунги йўналишда ўзбекистонлик тажрибали велопоёғачи Вадим Шлехов галаба нашидасини сурди.

Олимп чемпионининг голиб ва совриндорларига дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

**КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИКИШДИ**

Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида теннис бўйича Девис Кубоги бахсларининг биринчи босқич беллашувлари ўтказилди.

Унда Ўзбекистон терма жамоаси катта ракетка усталари азалий рақиблари бўлмиш индонезиялик спортчиларга қарши қорғат тушишди. Шунинг таъкидлаш жоизки, Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов сингари иктидорли теннисчилардан таркиб топанган Ўзбекистон терма жамоаси мезбонларга қарши чиройли ўйин намойиш этди. Аввалига Денис Истомин рақиб Сувонди Сувондини 6/3, 6/2, 6/4 ҳисобларида уч сетда мағлуб этган бўлсада, яна бир вақилимиз Фаррух Дўстов Прима Симпатамига 6/1, 6/2, 6/4 ҳисобларида имкониятни бой бериб қўлди.

Жуфтлик бахсларида яна омад мезбонларда бўлди. Мурод Иноятов — Денис Истоминлар жуфтлиги Сувонди Сувонди — Боний Вирьянлардан енгилишти. Аммо, кейинги бахсларда қатъий ҳаракат қилган ўзбекистонлик теннисчилар Фаррух Дўстов ҳамда Денис Истоминлар Сувонди Сувонди ва Прима Симпатамиларнинг енгишга муваффақ бўлишди. Умумий ҳисобда рақибларнинг мағлуб эта олган Ўзбекистон терма жамоаси 29 апрель — 1 май кунлари Девис Кубоги бахсларининг навбатдаги босқичида Хундинстон терма жамоаси билан куч синаяди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежи жамоаси директор ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Фахриддин Эркинович ҚОДИРОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик ихсоз этади.

**Эркин кураш**

**ЮРТИМИЗДА УЛКАН СПОРТ БАЙРАМИ АЪЛО ДАРАЖАДА ЎТДИ**

Ўтган икки кун давомида шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин кураш бўйича жаҳон Кубоги бахслари бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай нуфузли мусобақаларнинг ташкил этиш ҳуқуқи ҳар бир мамлакатга ҳам берилавермайдими.

Чунончи, жаҳон чемпионатлари ва Кубокларида мезбонлик қилиш учун авваламбор шу юрт спортчилари халқаро майдонда ўзларини кўрсатган, бошқа мусобақаларни муваффақият билан ўтказган бўлишлари талаб этилади. Юртимиз эркин ва юнорум курашчилари ҳақида сўз борар экан ўтган Олимпиадада спортчиларимиз икки олтин ва битта кумуш нишонини қўлга киритганликлари, А.Очилов, Д.Мансуров, М.Гаджилалов, Р.Хинчаков каби паҳла-


кураш федерацияси — ФИЛАНинг Ўзбекистонни жаҳон Кубоги мезбони сифатида танла-

шганида йўл очганлигини ҳам қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Бевоҳита жаҳон Кубоги мусобақалари хусусида тўхталади галамбор шу юрт спортчилари натижаларига кўра кураш замин бўйича бугунги кундаги энг кучли жамоалар — Куба, Россия, Украина, АҚШ, Эрон ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари галаба учун кураш олиб боришди.

Полвонлар 55, 60, 66, 74, 84, 96 ва 120 килограмм вазнларда ўзаро баҳс юритишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, эркин кураш бўйича шаҳримизда ўтказилган 35-жаҳон Кубоги турнири илк бор баҳс суръатини ошириш ва унинг янада кескин



вонларимизнинг жаҳон ва Осиё чемпионатларидаги муваффақиятлари фикримиз далилидир.

Бундан ташқари мамлакатимизда 1997 йилдан буён Гран при туркумига кирган «Мустақиллик Кубоги» мусобақаларининг ўтказиб келиниши, шунингдек, ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ҳамда Олимпиадада саралаш турнирининг аъло даражада ташкил этилганлиги ҳаваскорлар халқаро

ҳамда қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида киритилган янги қоидалар асосида ташкил этилди.

Икки кун давомида спорт мажмуида шикибоз ва мутахассисларга гавжум бўлгани ҳам беллашувларнинг нақадар кескин ва муросасиз ўтганлигини далолат беради. Бинобарин, Куба Республикасининг ахил ҳамда моҳир спортчилардан жамланган жамоаси барган рақиблари — Россия тер-

масини 15:9, Украинани 20:18, Ўзбекистонни 22:5, АҚШни 15:11 ва нихоят эронлик курашчиларни 19:8 ҳисобида енгган ҳолда турнирда биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон Кубогининг соҳиби бўлди. Эрон терма жамоаси билан кечган сўнгги баҳсда эса 120 килограммга вазндаги полвонлар ўртасида жаҳоннинг мутлақ чемпиони Родригес Валера (Куба) рақиб устидан чиройли галаба қозонгани ҳолда мухлисларини беҳад шод этди.

Иккинчи ўрин фақат Куба ҳамда Ўзбекистон жамоаларига баҳсини бой берган Украина курашчиларига nasib этди.

Фақат Куба ҳамда Украина термаларидан 9:15 ҳамда 10:16 ҳисобида мағлуб бўлган жуда кучли Россия курашчилари эса бу гал фақат учинчи ўрин билан қифояланишди.

Юртдошларимизнинг жаҳон Кубоги мусобақаларидаги иштироки хусусида тўхталадиган бўлсак, муайян сабабларга кўра эркин кураш усталаримиз нуфузли турнирда қонқарли даражада қатнаша олмадилар. Жумладан, Олимпиада чемпиони Артур Таймазовнинг бепатлиги, кумуш совриндор Магомед Ибрагимовнинг эса жараҳатлангани, энг кучли спортчиларимиздан бири Дилшод Мансуровнинг бошқа вазнда қатнашиши курашчиларимизнинг турнирдаги иштирокига ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта.

Шу сабабдан энгил вазнларда А.Очилов, Д.Мансуров, С.Тигиев каби спортчиларнинг баъзи галабалари оғир вазндаги курашчиларимизнинг муваффақиятсизликлари сабабли умумжамоа ҳисобидаги ютуқларга эришишга озгина халал берди. Фақат, мусобақанин иккинчи кун ҳамюртларимиз анча очилишди. Айниқса, турнирнинг энг кучли жамоаларидан бири бўлмиш украиналик-



лар билан кечган охирги баҳсда ишқибозларнинг тўхтовсиз қўллаб-қувватлашлари остида А.Очилов, Д.Мансуров, С.Тигиев ютуқлари, шунингдек, энг оғир вазнда ёш, умидли спортчимиз Мансур Мирзаевнинг тажрибали рақиб Иван Ишченко устидан соф галабага эришиши, охир-оқибатда Украина термасининг мағлубият аламини тотииши мутахассису мухлисларимиз кайфиятларини кўтариб юборди...

Барча голиб ва совриндорлар муносиб тақдирлангани ҳолда, яна бир нуфузли мусобақа — ҳақиқий спорт байрамига айланб кетган эркин кураш бўйича жаҳон Кубоги ниҳоясига етди. Қувонarli томони, ФИЛА президенти Рафаэл Мартинетти, халқаро кураш федерациясининг бошқа мутасаддилари алоҳида таъкидлаб ўтишганидек, жаҳон Кубоги бахслари ташкилий жиҳатдан ҳам, беллашувларнинг кескин ва муросасизлиги томонидан ҳам юқори даражада ўтди. Бунда албатта республика спорт курашлари ассоциациясининг хизматлари катта бўлди. Ўйлаймики, энди гал мамлакатимизда жаҳон чемпионатини қабул қилишга етди. Бунинг учун эса барча шарт-шароитлар етарли.



**Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА:** эркин кураш бўйича 35-жаҳон Кубоги мусобақаларидан лаҳзалар.

**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

**Мунажжид башорати**

**ТААССУРОТЛАР ҚОБИЛИЯТИ ОРТАДИ**

16 МАРТ, ЧОРШАНБА

Бугунги кун шифобахш, даво эм бўладиган кун. Совуқ сув бугун ноёб хусусиятларга эга бўлади. Устингиздан совуқ сув қуйиб ёки муздек сувга шўнғиб, танангизни чиниктиришингиз мумкин. Дарвоқе, кун давомида уч марта совуқ душ қабул қилиш ёки ҳўлланган сочқ билан баданни ишқалаш ҳам кифоя қилади.

Кун давомида шошма-шошарликка йўл қўйиш, ортиқча зўриқиш мумкин эмас. Мабодо, қизиққон, тилингиз аччиқ бўлса, бугун яхшиси жим юргангизингиз маъқул. Бугун ахборотлар яхши қабул қилинади. Инсон-

даги таассуротлар қобилияти ортади. Шунинг учун интеллектуал меҳнат билан машғул бўлиш, китоб ўқиш, матнлар устида ишлашга ҳаракат қилинг.

Авесто аъналарига кўра, энг сирли кунлар бугундан бошланади ва 21 мартгача янги ишларга қўл урмаслик, тарихни диққат билан ўрганиш ва хулосалар қилиш тавсия этилади. Эски оилавий альбомларни арақлаш, ёшларга катталар панду-насихатларини етказиш фойдалу бўлади.

Агар бугун куш қаноти билан сизга урилиб кетса, ёмғир остида қолсангиз ёки устингизга сув тўкиб юборишса — булар яхшиликка. Лекин бирор жойингизни кесиб олишингиз ёки бўш челақлар кўтарган одам олдингиздан чиқиб қолиши — омадсизлик ва тўсиқлар аломати ҳисобланади.

Тушда қушлар, осмон ва камалқни кўриш — яхшиликка. Оловни кўриш — ўйламай қўйилган қадамдан огоҳлантиришдир. Бугун товۇқ гўшти ва туҳуми еб бўлмайсиз.

ди — улар саломатлигингизга путур етказиши мумкин. Кўпроқ суяқлик истеъмол қилиш фойдали бўлади.

Либосларнинг ёрқин, яшил, кумушранг ва зангори тусларини танланг. Қора ёки жуда ёрқин рангли кийимлар тавсия этилмайдими.

**ЧОРШАНБА МАСЛАХАТЛАРИ:**

- давом эттирилуши талаб қилинадиган ишлар билангина машғул бўлиш жоиздир;
- кўкатлар ва бир йиллик гуллар уруғини селинг;
- сизни қизиқтирган мисоллар бўйича имкон қадар кўпроқ ахборот тўланг;
- маийш шариотларингизни яхшилашга ҳаракат қилинг.
- Жамоат ва сибасат ишлари билан шўғулланиш, муаммолар гирдобига шўнғиб кетиш, миянгизни чарчатиш, бировларга ўз эътиқод ва амалий принципларингизни тижъатириш тавсия этилмайди.

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма тираж офсет усулида босилади. Қозғистон Республикаси 5009 нурава босиши. Қозғистоннинг А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни эътибор бериб масъалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига муҳожат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босяхонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-ўй.